1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 27-FEVRAL, SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

24 (16181)

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

» **YUKSAK MA'NAVIYAT – YENGILMAS KUCH**

КИТОБ ЎҚИГАН «SPARK» МИНАДИ

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказилган "Ёш китобхон" танловининг мамлакат босқичида Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети 3-курс талабаси Шарофатхон Исмоилова биринчи ўринни эгаллаб, Президент совғаси – "Spark" автомобили билан тақдирланди.

Китоб инсоннинг маънавий оламини бойитадиган, дунёқарашини шакллантирадиган буюк устоздир. Юртимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан китобхон ёшларни рағбатлантиришнинг янгича усули бугунги кунда барчани беҳад мамнун этмоқда.

Шарофат Исмоилова Олтиариқ тумани Бўрбонлиқ қишлоғида туғилган. Дадаси Салимжон ака – она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, онаси Ёдгора опа уй бекаси. Оилада 5 нафар фарзанд бўлиб, Шарофат энг кенжа қиз. Унинг биринчи устози – дадаси. Дадаси фарзандларига жуда кўплаб китобларни ўқиб берарди. Шунинг учун ҳам у ёшлигидан китобга меҳр қўйди. Кечагидек ёдида, 2-синфда ўқиб юрганида Андерсеннинг "Жаҳон халқ эртаклари" китобини ўқиб тугатганди. У шеъриятга ҳам ошно бўлиб, шеър ёзишни машқ қила бошлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги "Олтин қалам" тўгарагига аъзо бўлиб, устозлар қўлида ижоди янада чархланди.

2015 йилда Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига тест синовларидан юқори балл тўплаб, талабаликка қабул қилинди. Шарофат барча тадбирларда доимо фаол иштирок этади. У бугунги кунда мумтоз адабиёт сирларини қунт билан ўрганиб келмоқда ва келажакда шу асосда илмий изланиш олиб бориш ниятида. Иқтидорли бу қиз Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Абдусаид Кўчимов, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам каби ёзувчиларнинг асарларига жуда ҳам қизиқади. "Ёш китобхон" танловининг мамлакат босқичида ғолиб бўлиш хаёлига келмаган оддий қишлоқ қизи барча шартларни юқори даражада уддалаб, танлов ғолиби бўлди.

– Болалигимдан китобга меҳрим бўлакча, китоблар ичида катта бўлганман, – дейди Ш.Исмоилова. – Дадам ўқитувчи бўлгани учун ҳаммамизнинг зиёли, ўқимишли бўлишимизни истайди. Оила даврасида ҳам ким қайси китобни мутолаа қилаётганини сўрайди. Суҳбатимиз ўз-ўзидан баҳс-мунозарага айланиб кетади. Китобга дўст бўлган одам ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Ростини айтсам, ҳаётимда ўзим ўқиган китоблар қаҳрамонлари ҳаётидаги сингари кутилмаган, бахтли воқеалар содир бўлишини жуда хоҳлардим. Танловда ғолиб бўлганим ҳам менинг ҳаётимда бахтли кун бўлди. Бу рағбат катта орзуларимга қанот бўлди.

Ҳа, танлов ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳар бир иштирокчини изланишга, ўқиб-ўрганишга ундаш. Бирор машғулот билан банд бўлган инсон вақтини беҳуда сарфламайди, бекор юрмайди. Ўзи учун белгилаб олган марра сари илдамлар экан, албатта, эзгу, бунёдкор ғоя ва ташаббуслар қуршовида бўлади. Шарофат Исмоилованинг ниятлари янада улкан. У Алишер Навоий лирикасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида бобомизнинг асарларини ўқиб ўрганмоқда.

Қўқон давлат педагогика институти ва Олтиариқ туманида бўлиб ўтган тадбирларда Ш.Исмоилованинг қўлга киритган ютуғи яна бир бор эътироф этилди. Китоб ўқиганнинг "Spark" автомашинасига эга бўлганини кўрган тенгдошлари ҳам унга ҳавас қилмоқда.

» **ESHITDINGIZMI?**

2018 ЙИЛ 1 МАРТДАН

юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланади. Бундай қоида Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган.

ОРОЛБЎЙИДА

иккита сайёҳлик комплекси ташкил қилинди

Бири Мўйноқ туманида, "Ақ тумсиқ" манзилида, бошқаси денгиз соҳилида жойлашган. Улар хусусий туроператорлар томонидан Президентимизнинг 2017 йил 18 январдаги "2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бунёд этилган.

Ушбу комплексларда сайёҳларга дам олиш, овқатланиш ва транспорт хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

ЭНДИ ОКСФОРД ҲАМКОРИМИЗ

Жаҳонда нуфузи юқори саналган Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (OCIS) Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Эндиликда мамлакатларимиз олимлари долзарб мавзуларда илмий изланишларни биргаликда олиб боради. Бундан ташқари, мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилади, халқаро семинар ва конференциялар ташкил этилади, илмий адабиётлар нашр этилади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг декабрь ойида OCIS директори Фарҳан Низомий юртимизда бўлиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Тошкент ислом университетининг Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази билан англашув меморандумларини имзоланган эди.

» **MUNOSABAT**

БУХОРО БУГУН БОШҚАЧА

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Етти иқлимга донғи кетган Бухоро асрлар оша инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Кўҳна замин бағридаги минг йиллик обидалар, нилий гумбазлару заррин мораларни кўришни орзу қилмаган киши бўлмаса керак. Шу боис ҳам жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган, мусулмон оламида алоҳида эҳтиром билан тилга олинадиган шариф шаҳарга кўплаб сайёҳлар ошиқади.

Яқинда Президентимиз бу диёрга яна бир бор ташриф буюрди. Биринчи навбатда, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қадамжосини зиёрат қилиб, у ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Шу ўринда айтиш керакки, жорий йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йилигини кенг миқёсида нишонлаш кўзда тутилган. Ҳозиргача тарихий мажмуанинг "Даҳмаи шоҳон" ("Шоҳлар даҳмаси") қисми, шунингдек, "Бобус салом", "Тоқи миёна", "Диловар" дарвозалари, мақбара атрофидаги эски ва янги айвон, минора, Ҳаким Қушбеги масжиди каби қатор объектларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айни чоғда қадамжода Мир Араб олий мадрасаси ҳам фаолият олиб бормоқда.

Ислом маданиятида ўчмас из қолдирган нақшбандия таълимотини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини бугунги авлод вакилларига теран англатиш ғоятда муҳим масала ҳисобланади. Улуғ алломанинг юбилейи муносабати билан республика диний таълим муассасалари талабаларининг "Ҳожагон-нақшбандия таълимотида юксак инсоний фазилатларнинг талқини" мавзуидаги илмий анжумани, шунингдек, "Бухоронинг етти пири: ислом цивилизациясида Марказий Осиё сўфийлик тариқати ренессанси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этишдан ҳам айни шу мақсад кўзланган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Бухорога ташриф буюрганида унинг Эски шаҳар қисмини тубдан реконструкция қилиш, сайёҳлар учун қулай шароитлар яратишга доир кўплаб таклифлар берган эди. Атиги бир йил мобайнида бу борада салмоқли ишлар қилинди. Обидалар бўйлаб тош йўлаклар ётқизилди. Замонавий ва шарқона услубдаги ўриндиқлар, ёрқин чироқлар ўрнатилиб, сервис хизмати шохобчалари пайдо бўлди. Эндиликда улар қадим манзилни янада кўркам этаётир. Бу сафар Юртбошимиз Эски шаҳарнинг сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд, том маънода, Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлаганидан беҳад қувондим.

Бухорода сайёҳликнинг янги йўналишлари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан сайёҳларга учта ҳаво шарининг бирига ўтириб, шаҳарни юқоридан томоша қилиш таклиф этилмоқда. Бундай саёҳат давомида 150 гектарлик шаҳарнинг қадимий маркази кўз ўнгингизда кафтдек намоён бўлади. Бундан ташқари, "Пойи калон" ансамблидан "Лаби ҳовуз" мажмуасигача электромобиль рентгар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Натижада, меҳмонлар сайёҳлик маршрутидаги тим ва тоқлар, масжиду мадрасалар, карвонсаройлар, қадимий ҳаммом ва ҳовузларни бир йўла кўриш имкониятига эга бўлади.

Бухоронинг ўтмиши билан бирга бугуни ҳам улуғвор бўлишини Президентимиз алоҳида талаб сифатида илгари сурди. Шаҳарнинг ландшафт дизайнини тубдан ўзгартириш, кўп қаватли замонавий иморатларни барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди. Шаҳримизга замонавий автобусларнинг келтирилиши, Ислом Каримов кўчаси шаҳарнинг кўрку тароватига айланиши кераклиги таъкидланди. Амалий ташриф натижасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳаётбахш лойиҳа ва ташаббуслар Бухорои шарифни жаҳонга янада кўпроқ танитишга хизмат қилса, не ажаб.

12 КУН ДАМ ОЛАМИЗ

Президентимизнинг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Наврўз байрами муносабати билан юртдошларимиз 18, 19, 20, 21, 22 март кунлари дам олади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамини ҳам ҳисобга олсак, март ойида дам олиш кунларимиз сони нақ 12 тага етиши аниқ.

Эслатиб ўтамиз, 20 март қўшимча дам олиш куни сифатида берилиб, 17 март (шанба) 19 март (душанба)га, 24 март (шанба) 22 март (пайшанба)га кўчирилган.

Ўз ахборотимиз

» JARAYON

САЙЁР ҚАБУЛНИНГ САМАРАСИ

Сумбилой НУРМЕТОВА

Қўшкўпир туманида Вилоят ҳокими Илгизар Собировнинг сайёр қабули ўтказилди. Унда қирқдан зиёд мурожаат тингланиб, мавжуд муаммоларга аниқ ечим топилди.



Жумладан, 32-умумтаълим мактабига 5 тонна кўмир етказиб бериш, Газовот қишлоғининг "Пахтакор" маҳалласини йил давомида ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди. Шунингдек, бир нечта фуқарога фермерлик, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун ер майдони ажратиладиган бўлди.

Эътиборлиси, қабул жараёнида янги истеъдод соҳиби ҳам кашф этилди.

Хадра қишлоғида яшовчи Мафтуна Ражабова шеър ёзиб, мусиқа басталар экан. Аммо ҳозирча ишсиз. Тенгдошимиз ҳокимга ижод намуналаридан ўқиб бериб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Шу жойнинг ўзида Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси ёш шоирага иш топиб берди.

» SARHISOB

ЎРГАНИШ, ТАҲЛИЛ, НАТИЖА

ЭНДИ УЛАР "УЮШМАГАН" ЭМАС

Олтинкўл туманидаги "Кравтекс" қўшма корхонасига 30 нафар уюшмаган ёш ишга жойлаштирилди. Уларга меҳнат дафтарчасини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев иштирок этди.

Қ.Қуранбаев ташаббуси билан ишга жойлашган ёшлар келгусида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат қиладиган бўлди. Шунингдек, корхона раҳбарияти томонидан ёшлар учун алоҳида кутубхона ташкил этилиши маълум қилинди. Ушбу корхонада ёшларбоп футболкалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

ЕТАКЧИДАН ТАШАББУС!

Ҳафталик доирасида Иттифоқнинг Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Муроджон Зуфаров Андижон индустриал педагогика коллежи ўқувчилари билан учрашиб, муаммоларни ўрганди. Коллежнинг ёшлар етакчисига яратиб берилган шароитлар ўрганилди. Коллеж етакчиси Нигора Аҳмедова ташкил этган тикув цехининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда ўн икки нафар битирувчи доимий иш билан таъминланди.

ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛДИ

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашига шахсий корхонасини очиш мақсадида кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилган Малика Абдураҳимовага 25 миллион сўм маблағ, шунингдек, ноль қийматда бўш бино ажратилди. Янги ташкил этилган "Princess" масъулияти чекланган жамиятининг таркибида тикувчилик цехи иш бошлади.

АМАЛИЙ КЎМАК БЕРИЛДИ

Ёшлар иттифоқи Шаҳрихон тумани кенгаши ҳамда ҳокимлик томонидан "Баркамол авлод" МФЙда истиқомат қилувчи имконияти чекланган фуқаролар — Марҳабо Аҳмедова ва Асадбек Бурҳоновга ногиронлик аравачалари, оила аъзоларига эса, амалий кўмак берилди. Иттифоқ томонидан ногиронларга қаратаётган эътибордан мамнун эканини билдириб, қўлларини дуога очди.

МУХЛИСАНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Шаҳрихонлик Мухлиса Маматохуновага Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаевнинг махсус совғаси топширилди.

Мухлиса I гуруҳ ногирони, болаликдан кўзи кўрмайди. Энди устоз шоирларнинг шеърларини замонавий телефон орқали эшитиши мумкин. Иттифоқ вакиллари бу тенгдошимизга тез орада ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара шеърлари ёзилган чипни етказишга ваъда берди.

ЭЛНИ ЭЛ ҚЎЛЛАЙДИ

Ўрганишлар жараёнида Избоскан туманидаги "Қўшкўприк" маҳалласи 5 сотихлик ҳовлида тўққиз кишидан иборат икки оила яшаши, улардан фақат бир нафари ишлаши аниқланди. Оиланинг тўрт нафар аъзоси ишсиз.

Хонадонга ташриф буюрганлар оила боши Омадбек билан суҳбатлашди.

— Деҳқончиликдан хабарим бор, — дейди у. — Пиёз етиштира оламан. Аммо уруғ, минерал ўғит олишга маблағ ва ер керак. Омадбек аканинг қарамоғида марҳум опасининг икки нафар фарзанди ҳам бор. Ўзининг қизи Моҳларой 8-синфда аъло баҳолар билан ўқийди. Ота унинг ўқишни давом эттириши, олий маълумот олиши учун ҳаракатда. Ёшлар иттифоқи ва мутасадди ташкилотлар бу оилага амалий ёрдам кўрсатишга чоғланди.

ДОНИЁРНИ ҲЕЧ КИМ ЭШИТМАГАНДИ

Зебинисо Алиева Олтинкўл туманидаги "Жалолбек" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 23-хонадонда истиқомат қилади. У етти йил аввал бахтсиз ҳодиса туфайли II гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Ҳафталик доирасида миссия вакиллари Зебинисонинг хонадонида бўлиб, унинг ҳолидан хабар олди. Аниқланишича, хонадон аъзолари кир ювиш машинаси ва Зебинисога ғамхўрлик қилаётган янгасига нафақа пули ажратишни сўраб, тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган. Оила боши Дониёр Алиевнинг айтишича, етти йил давомида мурожаатлари эътиборсиз қолган. Бирор ташкилот уларнинг аҳволи билан қизиқмаган. Ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳомийлар ёрдамида бу хонадонга кир ювиш машинасини ҳадя этди. Шунингдек, Пенсия жамғармасига тақдимнома юборди. Қувонарлиси, энди Зебинисо ҳам таълим олиш имконига эга. Унга 10-мактабнинг математика ва меҳнат фани ўқитувчилари қўшимча дарс ўтадиган бўлди. Хонадон эгаларининг қувончи чексиз.

МУАММО БИР КУНДА ҲАЛ БЎЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси иштирокида ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда ёш фермер У.Тоҳиржонов техника сотиб олиш учун шартнома олишга қийналаётганини айтганди. Орадан икки кун ўтиб Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фермерликни ривожлантириш бўлими мудири М.Инаятов ҳамда Ёш фермерлар кенгаши Андижон вилояти бўлими раҳбари М.Баҳодиров томонидан лизинг асосида трактор сотиб олиш учун ёш фермерга амалий ёрдам кўрсатилди.

КИНО САНЪАТИ ЁШЛАР ОРАСИДА МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

"Ёшлар ҳафталиги" доирасида Избоскан ва Марҳамат туманларининг санъат ва мусиқа мактабларида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда хонанда Фатхиддин Бакиров, Дилмурод Масаидов каби ижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари ёшлар эътиборига ҳавола этилиб, кўплаб савол ва мулоҳазага сабаб бўлди. Жумладан, режиссёр Мафтуна Аллоқулова томонидан яратилган "Хоразм жонгинам" қисқа метражли фильм намойишидан сўнг 3-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Ўғилой Олимжонова асар моҳиятини яхши тушуна олмаганини айтди. Унга жавобан режиссёр:

— Кўпроқ китоб ўқиш керак. Бу дунёқарашингизни кенгайтиради, — деди. Қолаверса, фильм ғоясига қизчанинг ёшини ҳисобга олган ҳолда изоҳ берилди.

"ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ" САМАРА ҚАНДАЙ?

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Андижон вилоятида якунланган **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи миссияси** доирасида **406** учрашув, семинар, давра суҳбати ҳамда спорт мусобақаси ўтказилди. **31 минг 866 нафар** ёш қамраб олинди.

Республика ёш олимлар кенгаши томонидан илмга чанқоқ **2 минг 210** нафар тенгдошимиз билан 20 маротаба учрашув ва давра суҳбати ўтказилди. **15 та** масала жойида ечилди.

Ёш фермерлар кенгаши қўмагида **18 нафар** йигит-қизга **255 гектар** ер майдони ажратишга эришилди. **2 нафар**ига фаолиятини кенгайтириши учун жами **140 миллион сўм** миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Республика ёш ижодкорлар кенгаши вакиллари **2 минг 280 нафар**дан зиёд ижодкор билан учрашди. **100 нафар**дан зиёд иқтидорли йигит-қизнинг ижод намуналари билан танишиб чиқилди. **625 нафар** қаламкаш Ёш ижодкорлар кенгашига аъзо бўлди.

"PROlogue – 2017" қисқа метражли фильмлар фестивали юзасидан **72** маротаба давра суҳбати ва очиқ мулоқот ўтказилди. Жами **2 минг 310 нафар**дан зиёд ёш қамраб олинди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказнинг малакали координаторлари томонидан **30** маротаба учрашув, давра суҳбати ҳамда "Тадбиркорликка илк қадам" мавзуида ўқув-семинарлари ташкил этилиб, уларда **2 минг** нафардан зиёд ёш иштирок этди. Андижон вилоятида имтиёзли кредит олиш истагидаги **1 минг 209 нафар** йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилди.

» TASHABBUS

"МЕГА СПОРТ" СТАРТ ОЛДИ

Шоира АХУНЖОНОВА

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда "Мега спорт" мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни оммавий спортга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган беллашувда олий таълим муассасалари вакиллари спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ғолиблик учун куч синашди.

"Биз чемпионмиз!" шиори остида ўтказилган баҳсларда жамоалар тўсиқлар орасидан ҳаракатланиш, девордан ошиб ўтиш, нарвон тўсиқларида қўлда осилиб юриш, махсус тўсиқдан юриш, милтиқдан отиш, белгиланган масофага югуриш каби шартлар бўйича беллашди.

Мусобақада Чирчиқ давлат педагогика институти жамоаси биринчиликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН ҚАЙТГАНЛАР ишсиз юрмайди

Сожида САПАЕВА

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилиш — олий саодат" шиори остида ҳарбий-ВатанпарВарлик лойиҳаси амалга оширилди.

Ташаббус Марказий ҳарбий округ, мудофаа бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Республика маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлимларига тегишли.

Жонли мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар, Ёшлар иттифоқи қошидаги "Жасорат" клуби аъзолари, ишсиз ёшлар ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар қатнашди.

Учрашувда йигит-қизлар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида гапирди. Ёшлар ташкилоти мутасаддилари ҳарбий хизматдан қайтганларни иш билан таъминлаш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида амалий кўмак беришга тайёрлигини айтди.

Шундан сўнг Навоий шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида ёшлар учун ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, сафда юриш, жисмоний, тактик, ҳарбий-тиббий тайёргарлик фанларидан амалий машғулотлар, спорт ўйинлари ўтказилди. Шу ернинг ўзида меҳмонлар "Ватанпарвар" тўгараги фаолияти ҳамда "Ватан — азиз, жасорат — мангу" номли хотира бурчаги билан танишди. Хотира бурчагида Сариосиё, Узун туманларидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳамда Андижон воқеаларида ҳалок бўлган 28 нафар юрт ҳимоячиси ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Тадбир якунида иштирокчиларга "Тинчлик соҳили" номли кинофильм намойиш этилди.

» TAJRIBA

БУНДАЙ АВЛОД ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИ!

"Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз — юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат".

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шерали МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим прокурори

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш,ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бугунги кун талабларига мос равишда ҳар томонлама етук, илғор фикрлайдиган, Ватан истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ва ташаббускор ёшларни тарбиялаш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳужжатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг вазифалари, ваколатлари, шунингдек, мазкур соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилган. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, аллия, мудофаа ишлари бўйича органлар, оммавий ахборот воситалари, шулар жумласидан.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг узвий давоми сифатида йигит-қизларимиз ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги сифат босқичига кўтариш мақсадида Президентимиз 2017 йил 5 июлда "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди ва 30 июнь мамлакатимизда Ёшлар куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли органлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб бориш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, қўшимча имконият ва имтиёзлар берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Қолаверса, фармонда ёшларда китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" республика танловлари, "Китоб байрами" ва "Болалар китоблари" анъанавий республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, саньаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва маҳорат сабоқларининг тизимли ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ўнлаб тузилмалар: турли соҳа ва йўналишдаги кенгашлар, қолаверса, ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатувчи, имконияти чекланган ёшлар ва болалар билан ишлайдиган, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлайдиган бир қатор марказлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида эса, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилган.

Президент фармонида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи ҳамда оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб этиш, эрта турмуш ва оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган самарали ишларни олиб боришга доир кўрсатмалар ҳам бор.

Прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг, айниқса, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, болаларнинг онгу тафаккурини бунёдкор ғоялар билан суғориш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда суҳбатлар, учрашувлар ва бошқа форматдаги тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, ўтган бир йил давомида салкам 15 мингта тарғибот тадбири ташкил этилди. Уларга, асосан, ўқувчи-ёшлар қамраб олинди.

Атрофга теран назар ташласак, тинч-осойишта, фарзандларини севиб-ардоқловчи юртда яшаб, билим олаётган, баҳоли қудрат меҳнат қилаётган ёшлар ўзини қанчалик бахтиёр сезиши, қалбида қандай ажиб туйғулар мавжланаётганини кўриб, англаш қийин эмас. Бундай авлоднинг келажаги порлоқ — улар юксак марраларга етиши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги аниқ.

» ILM SARHADLARIDA

ЭНДИ НОРНИ АСОРАТСИЗ ЙЎҚОТИШ МУМКИН

Нозима МИЯССАРОВА

Синфдошим қизли бўлди. Чақалоқнинг расмини юборишни сўрасак, негадир дугонам жим... Ҳа, майли, кўз тегмаслигини хоҳлаётгандир, деб ўйладик.

Орадан бироз вақт ўтиб, биз кутган сурат келди. Онасининг айтишича, кўзи остида катта нор бор. Шундан қизалоқнинг кўзлари тўлиқ очилмас экан.

Яқинда бўлим муҳарририми бир тадқиқотчи ҳақида материал тайёрлашимни айтди. Буни қарангки, қаҳрамонимнинг илмий иши айнан қон томирларида юзага келадиган хавфсиз ўсмалар хусусида экан. Бу ўсмалар халқ тилида нор, тиббиёт илмида гемангиома, деб юритилади.

— Дунё аҳолиси орасида гемангиома касаллиги кенг тарқалган, — дейди тиббиёт фанлари доктори Расул Содиқов. — Асосан ёш болаларда учрайди. Сабаблари турлича: ирсий, ҳомиладорлик даврида аёлнинг вирусли инфекциялари ни юқтириши, кучли токсикоз, дори препаратларининг ножўя таъсири, стресс, жароҳатлар. Қолаверса, муддатидан эрта туғилган, вазни меъёрдан кам, тўлиқ ривожланмаган чақалоқларда ҳам гемангиома юзага келади. Баъзиларда нор вақт ўтгани сайин йўқолиб кетса, бошқаларда умрбод қолади. Бу хасталик асоратларидан буткул қутулиб бўлмайди. Айтайлик, қон-томир ўсмалари жарроҳлик усулида олиб ташлангани билан янгидан пайдо бўлиши мумкин. Шу боис гемангиомани эрта аниқлаш, қолаверса, ташхислаш ва даволашнинг инновацион усулларини яратиш айни муддао.

Расул узоқ изланишлари давомида касалликни лазер терапияси усулида даволашга мўлжалланган муқобил ускунани ишлаб чиқиб, патентлади. Ишланма аввалроқ Тошкент тиббиёт академияси клиникасида уч юз нафардан зиёд бемор иштирокида тажриба-синовдан ўтказилганди. Самараси ижобий бўлгани боис, 2010 йилдан буён амалиётда қўлланилмоқда.

Ҳозирда ёш жарроҳ барча ҳудудлардаги ҳамкасблари орасида ишланма тарғиботини олиб боряпти. Шунингдек, малака оширишга келган шифокорлар учун махсус ўқув машғулотлари ўтилмоқда.

Расул Содиқовнинг тадқиқот натижалари дунё илмий жамоатчилиги назарига тушганидан қувондик. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

"BLOOMBERG" истиқболдаги режамизни маълум қилди

Молиявий-иқтисодий янгиликларни тарқатишга ихтисослашган дунёдаги энг йирик ва нуфузли ахборот агентликларидан бири —"Bloomberg" ўз ўқувчиларини Ўзбекистон суверен кредит рейтингини эълон қилиш тараддудида эканидан хабардор этди.

Материалда маълум қилинишича, Марказий Осиё минтақасининг аҳоли энг зич жойлашган мамлакати суверен кредит рейтингини олиш мақсадида "Citigroup Inc." (АҚШ) билан меморандум имзолаган. Шу билан бирга, муаллифлар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг нисбатан самарали кўринишларига ўтилаётганини қайд этади. Хорижий валютани эркин айирбошлаш сари ташланган қадам, шулар жумласидан.

— Ўзбек компанияларининг халқаро молия бозорида иштирок этишини хоҳлаймиз. Мақсад уларни замонавий корпорацияларга айлантиришдан иборат, — дея Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Жамшид Қўчқоровнинг сўзларидан иқтибос келтиради "Bloomberg".

Мақолага россиялик эксперт, "ВТБ Капитал" инвестиция банки иқтисодчиси Пётр Гришиннинг ҳам фикри киритилган. "Бундай пайтда ислоҳотчилик ташаббуси ва кескин ўзгаришларга бўлган иштиёқни сақлаб қолиш жуда муҳимдир, — дейди у. — Ўзбекистон йирик иқтисодиёти бор мамлакат ва у бирмунча либерал асосда фаолият кўрсатишга лойиқдир".

"JIJI PRESS" қаламга олди

Японияниг "JIJI Press" ахборот агентлиги нашрларида юртимизда кунчиқар мамлакат фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз тартиб жорий қилинганига бағишланган махсус мақола эълон қилинди.

Материал журналист Кейсукэ Мацуо томонидан тайёрланган. Сўзининг аввалида у 22 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида брифинг ўтказилгани ҳақида хабар беради. Унда Япония ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистоннинг виза сиёсатидаги ўзгаришлар хусусида фикр алмашгани айтилади.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон ҳудудидан топилган буддизм даврига оид археологик ашёлар Япониядаги "Сёсоин" музейида сақланаётган буюмларга жуда ўхшаш бўлиб, бу Самарқанд ва Нара шаҳарлари ўртасида азалдан яқин алоқалар ўрнатилганидан далолат беради. Шу маънода, Японияда фаолият юритаётган сайёҳлик компанияларига Ўзбекистонга саёҳатни айнан буддизм йўналиши бўйича ташкил этиш тавсия қилинган.

"Брифинг иштирокчилари, — дея давом этади муаллиф, — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, сайёҳлар жамоат жойлари, бино ва иншоотларни бемалол сурат ва видеога олиши мумкинлиги, бундан ташқари, Тошкент метроси бекатларида расмга туширишга доир тақиқ бекор қилингани тўғрисида хабардор этилди".

Эслатиб ўтамиз, "JIJI Press" ахборот агентлиги мустақил ҳисобланиб, 1945 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. У Япония ва дунёда рўй бераётган воқеаларни ёритиш, мамлакатнинг етакчи марказий ва ҳудудий газеталари, телекомпаниялари, шунингдек, "Reuters", "Associated Press" ва бошқа хорижий оммавий ахборот воситалари учун материаллар тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланади.

ГРЕКЛАРГА МАНЗУРМИЗ

Мамлакатимизнинг Афинадаги бош консуллигида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. "Греция – Ўзбекистон" дўстлик жамияти кўмагида ташкил этилган тақдимотда маҳаллий сайёҳлик агентликлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир давомида Ўзбекистоннинг сайёҳлик индустрияси, жумладан, Самарқанд вилоятининг бу борадаги имкониятлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Ҳукумат томонидан соҳани жадал ривожлантириш бўйича кўрилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тилга олинди. Шу билан бирга, иштирокчилар мамлакатимиз виза сиёсатига киритаётган ўзгаришлар билан ҳам яқиндан танишди.

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик маркази сифатидаги нуфузи йил сайин юксалмоқда, — таъкидлади "Греция – Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси Д.Баколас. — Бунга кўп жиҳатдан республика раҳбариятининг сайёҳлик индустриясини ҳар томонлама ривожлантиришга доир саъй-ҳаракати сабабдир. Юртингизнинг бой меъморий ва маданий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги европалик сайёҳларга ниҳоятда манзур.

"Open Ways Tour" сайёҳлик компанияси директори ўринбосари О.Пасхалиду эса, Шарқ гавҳарлари дея аталмиш Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарлар Европа Иттифоқи, Америка ва осиёлик саёҳат ишқибозларида катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

"СИНЬХУА" эътироф этди

Хитойнинг мазкур йирик ахборот агентлиги юртимизда Халқаро она тили куни кўтаринки руҳда нишонлангани ҳақида хабар берди.

Унда Тошкентда мазкур сана муносабати билан ўтказилган маърифий тадбир ёритилган.

"Ҳукумат ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари Камолиддин Эшонхўжаевнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида 130 дан зиёд миллат ва элат истиқомат қилади. Уларнинг она тили, урф-одатлари ҳамда анъаналарига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда", — деб ёзади "Синьхуа".

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

» ASLIYATDAN TARJIMA

Анжела Кафлан

Онаизорим

(ҳикоя)

Инглиз тилидан Қандилат ЮСУПОВА таржимаси.

Мен борлиқни фақат оқ ва қора тусда кўраман. Ҳаёт булоғи қайнаб турар экан, инсонлар чиркин ранглар билан умрини булғамаслиги керак. Бироқ онам ҳаётга ҳамиша қадрдон атиргул рангли кўзойнаги ортидан қарарди. Ҳар қандай ҳолат ёки одамдан ҳам яхшилик қидирарди. У ҳақиқий оптимист эди.

Бундай феъл-атвор фазилатми ёки камчилик — буни сира тушунмасдим. Эҳтимол бу волидамга беришим керак бўлган ягона савол бўлгандир. Балки у: "Инсон яшаш учун яратилган", — деб жавоб қайтарган бўлармиди...

Ҳатто ёмон об-ҳаво ҳам онамнинг қайфиятини бузолмасди. Ҳозиргача унинг соябон остида эшкак эшиб ўтиргани кўз ўнгимдан кетмайди. Чўмилаётганда у ёқдан бу ёққа сакраб, сув пуркасак,онам юбкасини бел тасмасига тиқиб оларди. Ўшанда қандай қилиб шамоллаб қолмаганимизга ҳайронман.

Бир куни онам бизни ёпиқ ҳайвонот боғига олиб борди. Биз девор оша бир баҳя бўлса-да жирафанинг бошини кўра олдик.

Онам гоҳ зерикиб, ҳаддан ортиқ шовқин-сурон кўтарсак, бизга телевизор кўришни таклиф қиларди.

— Ҳеч нарса бўлмаяпти-ку! — дея бақирардик.

— Мана, бўляпти-ку! — дерди онам бор овозда телеэкранга ишора қилиб. — Мана бу рангларнинг ажойиблигини қаранг.

Биз онамнинг сўзларига ишонардик. Ўзимдан такрор сўрайман: ўша меҳрибоним қани? Нечун уни асраб қололмадим?!

Онам мени 17 ёшида дунёга келтирган экан. Аммо бирон марта ҳам волидамнинг ўсмирлик йилларидан жудо қилганим тўғрисидаги арз-додини эшитмадим. 20 ёшида у ўгай отамга турмушга чиқди ва яна икки нафар фарзанд кўрди. Дадам ҳам, яъни мен шундай деб ҳисоблашим керак бўлган инсон, ҳаётга оптимистик назар билан қарарди. Улар бир-бирига муносиб эди. Билишимча, баъзи ёшлар ота-онасидан уялади. Шу туфайли уйига дўстларини олиб келмайди. Менда эса бунинг бутунлай акси бўлган. Дўстларим онамни яхши кўрарди ва бизникига келишни канда қилмасди.

Онамдан нимани орзу қилиши ҳақида сўраганимда, оҳ тортиб: "Шифокор бўлишингга умид қилганман", — деди овози титраб.

— Унда мен сизда умидсизлик туғдирган эканман-да, — дея хўрсиндим эгнимдаги магазин ёрдамчисининг формасига қараб.

— Умидсизлик? Ҳеч қачон!

Ўшанда у ростини гапирганмиди, йўқми билолмадим. Онам рихлат қилганига бир неча йил бўлди. Ҳаётининг сўнгги дамида ҳам у менинг қўлимни ушлаганди — мен онамникини эмас.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, тун маҳали қизим сим қоқиб, ҳафта охирида тиббиёт мактабидан уйга келаётганини айтди.

— Мабодо ёмғир ёғса ҳам, бувимнинг хокини денгиз бўйига олиб бора оламизми? — деб сўради у.

Қизимдан фахрланиб кетдим. Ўйлайманки, онам ҳам, албатта, ундан мамнун бўлган бўларди.

» KO`NGILDAN KO`CHIRMALAR

Мастура АБДУҲАКИМОВА

Бувим шаҳарга даволангани келганди. Ўшанда чамаси ўн ёшда эдим. Ёлғиз фарзанд бўлганим учун жуда шўх, ерга урса, кўкка сапчирдим.

Гўзал "қарғиш"

Кечки пайт дастурхон атрофида ўтирганимизда, телефон жиринглаб қолди. Ойим гўшакни олди. Қўнғироқ қилган синф раҳбарим эканини дарҳол англадим. Суҳбатлашиб бўлгач, ойим мени қойий бошлади: "Ҳеч одам бўлмадинг-да, қандай боласан-а?!".

Телефондаги суҳбатдан тўп ўйнаб, мактаб ойнасини синдирганим ошкор бўлибди. Тан оламан: у пайтда жуда безори бўлганман. Ойим ҳовуридан тушгач, бувим уни ёнига чақириб, нимадир деди. Орадан кўп вақт ўтмай, бувим соғлиғини тиклаб, қишлоққа қайтди. Менинг шумликларим эса, яна давом этди.

Бироқ энди бирор "ҳунар" кўрсатсам, ойим: "Олим бўлгур, комил бўлгур, буюклар давомчиси бўлгур", — дея "қарғарди". Бу сўзлардан кейин менда уялиш, афсусланиш ҳисси пайдо бўларди. Шу туфайли шўхлигим босилди. Китобга муҳаббат қўйдим. Орадан йиллар ўтиб олий ўқув юртини ҳам муваффақиятли тамомладим. Бундай даражага эришишимга бувимнинг насиҳати ва ойимнинг гўзал "қарғиш"и ҳам сабаб бўлди, деб ўйлайман.

» YOSHLIK ILHOMI

Кўникма

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Қизалоқ рассом бўлишни орзу қиларди. Онаси мўйқалам ўрнига супурги тутқазди: "Аввал уй ишларини эплаб ол!". Қиз кўнди. Бир-биридан ажойиб суратлари ётоғининг остида йиллаб қолиб кетди. Зарари йўқ, ўқиб-ўрганишга ҳали вақт бор, кўп расмлар чизишга улгуради...

Қиз пойтахтдаги қолийгоҳга кириш учун тайёрлана бошлади. Отасининг қаҳри келди: "Қиз болага шаҳарда нима бор?! Тикувчиликни ўргансин, турмушида асқатади". Қиз кўнди. Майли, тикувчилик ҳам ёмон эмас.

Қиз қўшни қишлоқдаги чўпон йигитга кўнгил қўйди. Йигит уларнинг ҳам чорвасини боқарди. Шу баҳона танишиб қолишди. Қиз аввалига севиб қолганини тушунмади. Йигит илк марта унга севги мактубини тутқазганида, қалбида ажиб туйғу мавжланди. Ҳаётида биринчи марта суюнди.

Маҳалладаги обрўли қассобнинг ўғлидан қизга совчи келди. Қиз у йигитни танирди: бирам қўрс, маданиятсизки... Бир-икки марта йўлини тўсиб, шилқимлик ҳам қилган. Отаси дуога қўл очди: "Қизим энди сизларники!".

Қиз онасига ёлворди. Чўпон йигит ҳар куни уни сой бўйида кутарди. Бефойда, отанинг қарори қатъий: "Шу йигит билан бахтли бўласан. Подачи ҳақида бошқа эшитмай! Ёки мени норизо қилиб, гуноҳга ботмоқчимисан?!".

Қиз гуноҳдан қўрқди: тақдирга тан берди. Балки бахтли бўларман, деб умид қилди. Чўпон йигит тўй куни адирнинг тепасига чиқиб, қизнинг исмини баланд овозда айтиб, бақирди. Биров эшитмади. Фақат қиз йигитнинг оҳини қалби билан эшитди. Аммо ҳаётини ўзгартиришга журъат қилолмади...

Эри шаҳарлик жувонга илакишиб, иккита боласини ташлаб кетгач, аёл янада чўкиб қолди. Аммо бир сўз айтишга, турмуш ўртоғини оиласига қайтаришга унда куч ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди.

Бир куни қўлига болаларининг бўёқ ва қалами тушиб қолди. Қоғоз олиб нималарнидир чизди. Қўли анча чиқиб қолибди. Суратдаги дард ифодаси тандирга қаланди. Яна бир куни ўша чўпон йигитни кўриб қолди: дўконда, тасодифан. Қарашга ўзини айблор сезиб, индамай ўтиб кетди. Эшитишича, ҳалиям уйланмабди.

Аёл пешонада борига кўникиб яшаш лозим, деб ўйларди. Тўғри, бироқ бахтга эришиш учун бироз ҳаракат қилиш, шижоат кўрсатиш керак. Бундан у бехабар эди...

Мудроқ қалблар уйғонса эди

"Қиз боланинг юки оғир бўлади", — дерди бувим. Бола дунёмга сиғдиролмаган айни ҳақиқатни бугун англагандекман.

Олис қишлоқларнинг бирида туғилиб, сеҳрли эртак ва достонлар оғушида улғайдим. Ижодга қизиқиш шу сабаб уйғонган бўлса керак. Илк машқларим билан онажоним танишган. Мени адабиёт тўғарагига олиб боргани ҳамон ёдимда. Келажакда таниқли шоира бўлиш орзуси билан яшардим. Тўғарак аъзоларининг ҳаммасида шундай ўй бўлган.

Юксак орзу-умидлар билан олийгоҳ талабаси ҳам бўлдим. Ишқ-муҳаббат, севги, садоқат тараннум этилган мисраларни битавериб, тақдир чархпалагининг тез айланаётганига ҳам эътибор бермабман. Ёниб ижод қилаверибману, ҳаёт деб аталмиш уммоннинг томчиси эканим ёдимдан кўтарилибди. Бир пайтлар қайсидир танловда устоз ижодкорларимиздан бири: "Қизим, адабиёт бўстонига қадам қўяр экансан, бир нарсани унутма: қиз бола ижодкор бўлиши оғир. Машаққатларга дош беролсанггина шу йўлни танла!" — деганида гапларини у қадар тушунмаган эканман. Бу сўзларнинг мағзини кейин чақдим.

Вақт — олий ҳакам. Улғайганим сари уйга совчилар кела бошлади. Ҳаш-паш дегунча уйдагиларим ўзларига маъқул "номзод"га унаштириб қўйди. Бўлажак турмуш ўртоғим ижодимга қаршилик қилмаслигини бир неча бор айтди. Бироқ...

Кўз очиб-юмгунча тўй ҳам бўлиб ўтди. Келинлик юмушлари билан бўлиб ижодим тўхтаб қолди. Аммо бироз вақт ўтгач кўнглимдаги тизгинсиз туйғулар яна мавжлана бошлади. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ишдан эртароқ қайтган турмуш ўртоғим шеърларимни кўздан кечирар экан, боламдек азиз бўлган ижод машқларимни ёқиб юборишимни буюрди. Унинг фикрича, мен аввал кимгадир кўнгил берган эканман. Барча ёзганларимдан ҳали-ҳануз муҳаббат иси келармиш. Тўғри, бу гўзал туйғу ҳар сатримда бор. Бироқ муҳаббат дегани фақат инсонга кўнгил бериш эмас-ку! Ватанга, дўстга, Аллоҳга бўлган муҳаббат-чи?!

Хуллас, турмуш ўртоғим мени тушунмади. Иложсиз, кўнглимни "ёқа бошладим". Кўз олдимда энг гўзал ўй-хаёлларим, орзу-умидларим алангаланарди. Шу-шу мана тўрт йилдирки, ҳануз қўлимга қалам тутолмайман. Ҳаттоки, боламга алла айтишга журъатим етмайди. Бўғзимга нимадир оғир тошдек тиқилган, қалбимда дард бор.

Ҳозир қишлоғимиздаги мактабда дарс бераман. Кўплаб ижодкор қизларни биламан. Аксариятининг истеъдоди ўз кўзёшларига ювилиб, дил тубига кўмилмоқда. Боиси атрофдаги мудроқ қалблар уларни тушунгиси йўқ!

Дилноза АБДУҲАМИДОВА ёзиб олди.

» PSIXOLOG MASLAHATI

— Фарзандим 24 га кирди. Болаликдан ногирон, умуртқасидан лат еган. Бир умр шундай ҳолатга тушганидан азият чекиб келмоқда. Унга қараб эзилиб кетаман. Йигит киши, бу ёғига бирон касб эгаллаб, оила қуриб, болачақали бўлиши керак. Мана неча йилдирки, олий ўқув юртига киролмаяпти. Устига-устак яқинда ўзи кўнгил қўйган қиздан рад жавобини олди. Ҳозир жуда тушкун аҳволда. Боламга қандай ёрдам берай?

Фотима ТУРСУНОВА
Булунғур тумани



Саволга амалиётчи психолог Луқмон КАЗАКОВ жавоб беради:

— Ногирон одам ҳаёти давомида кўп бора мағлубиятга учраши мумкинлиги ҳақидаги фикрга кўникиши даркор. Чунки аслида ҳам шундай. Бироқ бу тақдирга тан бериб, умуман, ҳеч нарса қилмай юравериш керак дегани эмас. Аксинча, жисмоний имконияти чекланган шахсдан бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат, сабр-тоқат, ирода талаб қилинади.

Аввало, ўғлингизга шахсий ҳаётда эмас, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беринг. Спорт инсонни тоблаш ва тарбиялашга хизмат қилувчи энг зўр восита. Дунё бўйича паралимпия ҳаракати ривожланмоқда. Жумладан, бизда ҳам. Ўзингиз истиқомат қилаётган ҳудудда ногиронлар учун қандай спорт секциялари, тўгараклар борлигини сўраб-суриштиринг. Кейин болангизга биронтасига ёзилишни таклиф қилинг. Бундай муҳитда у ўзига ўхшаган ёшлар даврасида бўлади, куч-салоҳияти ва имкониятларини тортинмай намоён қила олади. Қарабсизки, турли мусобақаларда қатнашиб, чемпион бўлиб кетиши ҳам мумкин. Балаба эса, инсонни янги марралар сари ундашини яхши биламиз. Бора-бора шахсий ҳаётида ҳам омад кулиб боқса, ажаб эмас.

Айни дақиқада она сифатида қиладиган биринчи ишингиз — ўғлингизга меҳр улашиш. Отаси эса, далда бериб, муваффақият сари илҳомлантирсин. Ўйлайманки, шу йўл билан йигит ўзини тез фурсатда ўнглаб олади.

» DILDAGI GAPLAR

Туйғуларни ўлдирманг!

Дилафрўз АЙТБАЕВА, талаба

Кўпинча кўнглимиз билан ҳисоблашмаймиз, мулоҳаза қилишга ошиқмаймиз. Ё эринчоқмиз ёки бошқа сабаби бор. Хуллас, бу ишни пайсалга солаверамиз.

Охир-оқибат, ёвузликка қўл урган бўлиб чиқамиз. Қалбимизда жўш урган покиза ҳис-туйғулар таъсирида уйғонган нафис ўйларни пайҳон этиб, ўлимга ҳукм этамизу, ўзимиз бир чеккада жимгина кузатиб турамиз... Яхшилаб назар солинг-чи, ботинимиз ана шундай "ўлик жон"ларга қанчалик тўлиб кетибди! Бироқ буни тан олгимиз, хатоимизни тушуниб, вазиятни ўнглагимиз келмайди. Нари борса, билиб-билмасликка оламиз. Чунки ўзимизни заиф кўрсатгимиз, ўз-ўзимизга ачингимиз йўқ!

Қилаётган "жиноят"имиз нечоғлиқ оғир эканини теран англамаймиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг: чақалоқ туғилганида ер юзида ундан покиза хилқатни топиб бўлмайди-ку, ахир. Демак, қалбимиз тубида ниш урган туйғу ва ўйлар ҳам шундай. Уларни туғилиши билан йўргаклаб авайлашимиз, пешонасидан, юзларидан оҳиста ўпиб эркалашимиз, бу дунёга келгани билан табриклаб, Ҳақдан миннатдор бўлишимиз керак!

Шундай қилсак, кифоя. Сўнгра улар ўзини-ўзи эплаб кетаверади, бизга сира оғирлиги тушмайди. Аксинча, бизни бахт манзиллари томон бошлайди. Аслида уларнинг туғилишдан мақсади ҳам шу!

» MENING FIKRIM

"Ёш китобхон"дан ҳаммга ютди

Моҳинур МИРХЎЖАЕВА, талаба

Юртимизда илк бор ўтказилган "Ёш китобхон" танловини ҳаяжон билан кузатдим. Мен кабилар кўп бўлди, назаримда. Негаки кейинги пайтда "Ёшлар китоб ўқимаяпти", деган дашномлар урчиб кетганди. Танловдан кейин бу гап аслида муболаға эканини англадик.

Очиғи, илм баҳсида қатнашган тенгдошларимга ҳавас қилдим. Улар шунча китобни ўқиб, маъносини уққанига қойил! Ёзувчию шоирларнинг ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганганми-чи.

"Ёш китобхон" танловида самарқандлик Моҳинисо Шомуродова "Spark" автомобилини қўлга киритди. Лекин, менимча, нафақат шу қиз, балки танловнинг барча иштирокчилари, қўйингки, уни кузатиб борган барча юртдошларимизни ҳам ғолиб, десак бўлади. Ахир, ўша жараёнда, қанчадан-қанча ижодкорлар ва асарлар ҳақида маълумот берилди. Муҳими, китобга бўлган қизиқиш ва меҳримиз ортди. Ота-оналар фарзандига иштирокчиларни намуна қилиб кўрсатди. Ўзлари эса, уларга кўпроқ китоб олиб беришга шайланди. Шуларнинг ўзиёқ халқимиз учун катта ютуқ, деб биламан.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

ТАБАССУМ

Қуёш кулиб боқса, тошларнинг юзидаги қорлар эрийди, олам равшанлашади. Кўнгилларни бир жилмайиш билан чароғон қилиш мумкин. Табассум қилишни унутма.

АРТИСТ

Суйганидан кўнгли озорланган қиз зорланди: "Наҳот, шу пайтгача айтганларингиз ёлғон бўлса?".

— Фонограмма эди, — сурбетланди қаршисидаги.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-4998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Навбатчи
Нозима Мияссарова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-236.
Адади — 28510

Босмага топшириш вақти — 21.00
Топширилди —00.15
Ўзб якуни — 21.25

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5 6